

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

# ЖАМЪ СЎЗИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган



2002 йил 13 июль  
шанба  
Сотувда эркин нархда  
№ 145 (2973)

ЎЗБЕКISTON RESPУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ВА ЎЗБЕКISTON RESPУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАЎҚАМАСИНИНГ ГАЗЕТАСИ

Олий Мажлисда

## Дастур ижроси назоратда

**Кеча Олий Мажлис Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари ҳамда Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари кўмиталарининг қўшма йиғилишида «Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш миллий дастур»нинг Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида ижро этилиши тўғрисида»ги 2001 йил 3 июлда қабул қилинган қарорнинг ижроси бўйича бир йил ичида қилинган ишлар муҳокама этилди.**

Йиғилишда қайд этилганидек, ҳисобот даврида адлия идоралари томонидан туман ва шаҳар ҳокимликлари, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари, ҳуқуқий маърифат тарғиботи маркази ва унинг минтақавий бўлимлари, жамоат бирлашмалари, ўқув юртлири билан ҳамкорликда қатор ишлар амалга оширилган. Қонунлар ва норматив ҳуқуқий ҳужжатларни тарғиб қилиш, фуқароларни қонунларга итоаткорлик руҳида тарбиялаш ва ҳар бир шахсда қонунга ҳурмат туйғусини шакллантириш мақсадида маҳаллалар, қорхона, муассаса, ташкилотлар ҳамда ўқув юртлирида давра суҳбатлари ўтказилган.

2001 йил ва 2002 йилнинг биринчи ярмида олий ва ўрта махсус ўқув юртлири ҳамда умумтаълим мактабларида ҳуқуқшунослик фанларидан дарс берувчи минг нафарга яқин ўқитувчи Тошкент давлат юридик институтидан, 2300 дан зиёд мутахассислар эса Республика юристлар малякасига ошириш марказида махсус дастур бўйича таҳсил олганлар. Ҳуқуқшунослик фанини ривожлантириш, ҳуқуқ соҳасидаги энг муҳим ва долзарб муаммоларни тадқиқ қилиш борасида қатор тадбирлар амалга оширилган. Оммавий ахборот воситаларида адлия, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимлари, ҳуқуқшунослар-

нинг мунтазам чиқишлари йўлга қўйилган. «Адолат» нашриёти ҳуқуқий адабиётларни мунтазам равишда чоп этмоқда.

Аммо йиғилишда Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш миллий дастурининг ижросини таъминлаш юзасидан Олий Мажлис кўмиталарининг 2001 йил 3 июлдаги қўшма йиғилиши қароридан билдирилган тавсияларга қарамай, бу соҳага эътибор ҳамон етарли даражада эмаслиги алоҳида таъкидланди.

Йиғилишда таъкидланганидек, ҳуқуқий таълимни чуқур ўргатишга иқтисодлаштирилган академик лицейлар ташкил этиш бўйича ҳуқуқат режасининг бир қисми бажарилган, ҳоло. Бундай лицей фақат Тошкент шаҳрида очилган. Фарғона, Самарқанд ва Нукус шаҳарларида лицейлар очилиши масаласи бўйича Адлия вазирлиги томонидан Олий ва ўрта махсус таълим ҳамда Молия вазирлигига ёзма равишда таклиф қилиниш билан кинфояланган.

Депутатлар ишчи гуруҳи тайёрлаган маълумотларга қараганда, ҳуқуқий маданиятни юксалтириш масаласи бўйича вазирликнинг ўзида ишлаб чиқилган бир қатор тадбирларнинг ижроси устидан ҳам назорат айтиш йўлга қўйилган. Устига устак, Адлия вазирлиги ва унинг бошқармалари тўғрисидаги низоомлар жабугни кун талабига тўла бажоб берайди.

Йиғилишда айтилгани-

дек, миллий дастурда тизимдаги кадрлар билан ишлаш муҳим вазифалардан бири қилиб белгиланган бўлса-да, бу масала юридик кадрлар малякасини ошириш марказига юклатилган. Вазирликнинг бошқа тизимлари, айниқса, кадрлар бошқармаси фақат ходимларнинг шахсий ишларини юритиш ва бўйруқларни расмийлаштириш билангина чекланиб қолмоқда.

Шунингдек, бўлиб ўтган баҳс-мунозараларда ҳуқуқшуносларга, жумладан, адлия соҳасида ишлайдиган кадрларга бўлган талабчанликни ошириш, ходимлар фаолиятини таҳлил қилиш, масъулиятини ошириш, аттестацияларда уларнинг ҳуқуқий билимларини ва касб маҳоратини тўғри баҳолаш, вакант жойларни ўз вақтида тўлдирини, нодойк кадрларни мансабидан четлатиш, адвокатура, нотариус ва ФХДЭ идораларининг юридик хизмат кўрсатиши ишлари сифатини яхшилаш, уларнинг ижобий тажрибасини омаллаштириш, давлат идораларидаги ҳуқуқшунос кадрлар ишлаши талаб этиладиган лавозимлар рўйхатини тайёрлаш, юристлар уюшмасини ташкил қилиш каби муҳим масалалар назардан бирмунча четда қолиб келмоқда.

Йиғилишда қабул қилинган қўшма қарорда қайд этиб ўтилган масалалар мунтазам кенгайтириш бўйича Адлия вазирлиги, бошқа қатор вазирликлар, жамоат ташкилотларига Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш миллий дастурининг ижросини таъминлаш билан боғлиқ қатор тавсиялар берилди.

## Жавоҳир ўз ўрнида қадрли

Тарих турли хил қисматлар, яратилган ва йўқолиш билан тўлиб тошган. Халқимиз ва миллиятимизнинг ифтихори бўлган осори-атикалар, нодир қўлэмалар, маданият бойликлари ҳам тақдир тақозоси билан жаҳоннинг турли бурчларида сочилиб кетганлиги ҳеч кимга сир эмас. Ҳали ҳам йилларда Президентимиз Ислам Каримов мустақилликнинг дастлабки йиллариданоқ ана шу қисми йўқ маданият жавоҳирларини юртимизга қайтариш зарурлигини таъкидлаган ва шундан сўнг Ўзбекистондан четта олиб кетилган архив ҳужжатларини қайтариб олиб келиш бўйича Олий Мажлис ҳузурида махсус комиссия тузилган эди. Кеча мазкур комиссиянинг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Унда Миср Араб Респ-

убликаси ҳамда Бирлашган Араб Амирликларига хизмат сафари билан бориб келган мазкур комиссия раиси Н.Иброҳимов ва комиссия аъзоси З.Мунавварнинг ҳисоботи тингланди.

Нотиқлар сафар натижалари ҳусусида фикр юритишаркан, Миср Араб Республикаси кутубхона ва музейларида Ўзбекистонга оид маърифий ҳужжатлар, санъат асарлари, жумладан, буюк миниатюрчи бобокалонимиз Камолдин Бехзод ва унинг салафлари мўйқаламига мансуб асарлар борлигини таъкидлашди. К.Бехзод ва унинг шоғирдлари томонидан яратилган 20 га яқин миниатюра асарларидан юқори сифатли рангли нусхалар олиб келинганлиги қайд этилди.

Маълум бўлишича, сафар давомида дунёдаги энг

йирик Искандария кутубхонасида сақланаётган ва буюк бобокалонимизга тааллуқли асарлардан нухса олиш, келгусида бу борада ҳамкорлик қилиш масалалари муҳокама этилган. Шунингдек, Бирлашган Араб Амирликлари университети ва ушбу мамлакатда фаолият юритяётган «Муслмон илмий-маънавий мероси ёдгорликлари» жамияти билан алоқа ўрнатилган ҳамда ушбу давлатда сақланаётган Ўзбекистонга оид қўлэма асарлардан нусхалар олиш бўйича ҳам келишувга эришилган.

Комиссия йиғилишида келгусида бажарилиши лозим бўлган ишлар ҳақида фикр юритилди ва бу борадаги вазифалар белгилаб олинди.

Ф.САНАЕВ,  
«Халқ сўзи» мухбири.



## Оддий жасорат

Балиқчи туманидаги «Чинобод» ширкат хўжалиги Андихон вилоятидаги иқтисодий жиҳотдан боқувват жамоалардан ҳисобланади. Ҳар қандай об-ҳаво шароитида ҳам хўжалик ахли йиллик шартнома режаларини ортиги билан удалаб келмоқда. Ер оилавий пудратчиларга тақсимлаб берилганлиги, янгица иш юритиш учун барча шарт-шароит яратилганлиги, мавжуд майдонларнинг ҳаммасига чигит пилёка остига қадаётганлиги, шу билан бирга, деҳқонларнинг манфаатдорлиги охиб бораётганлиги муваффақият омиллари бўляпти.

Хўжаликда фидойи, тажрибали пахта-

корлар кўп. Оилавий пудратчи Азимжон Раҳимов — шулардан бири. У иктиёрдаги 8 гектар майдонда гўза парварини қилапти. Ҳозир гўзаларнинг ривож яхши. Улардаги қўсақлар сони кундан-кунга кўпайиб бормоқда. Бунда механизатор Фозилжон Ҳошимовнинг ҳам муносиб ҳиссаси бор. Техника жиловлари гўзаларнинг тагини ошатиши, уларга ўз вақтида ишлов бериш борасида ҳаммасларига ўрнак бўлмоқда.

**СУРАТДА: тажрибали механизатор Фозилжон Ҳошимов.**  
Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛОВ олган сурат.

## ҲУЖЖАТЛАР ИМЗОЛАНДИ

**АҚШ Савдо ва тараққиёт агентлигининг (ТДА) минтақавий директори Дэн Стайн раҳбарлигидаги делегация вакиллари Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий алоқалар вазири Элёр Ғаниев билан учрашди.**

Сўхбат чоғида Ўзбекистон билан АҚШ ўртасидаги савдо-иқтисодий алоқалар мунтазам кенгайтириш бўйича Адлия вазирлиги, бошқа қатор вазирликлар, жамоат ташкилотларига Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш миллий дастурининг ижросини таъминлаш билан боғлиқ қатор тавсиялар берилди.

Учрашув якунида АҚШ Савдо ва тараққиёт агент-

лиги ҳамда мамлакатимизнинг қатор муассасалари ўртасида тўққизта грант битими имзоланди. Умумий қиймати 3,2 миллион АҚШ долларидан ошувчи бу грантлар ТДА томонидан Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, «Ўзбекистон темир йўллари» давлат акционерлик компа-

нияси, Ўзбекистон Алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги, Тошкент ахборот технологиялари институти, Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки, «Ўзкимёсанова» давлат акционерлик компанияси, «Ўзбекэнерго» давлат акционерлик компанияси учун ажратилган. Грантлар мазкур ташкилотлар фаолият юритувчи соҳалардаги дастурларнинг ижросига қаратилган.

ТДА АҚШ ҳукумати-

## ЮКСАК ЭЪТИРОФ РАМЗИ

**Президент Ислам Каримовнинг ташаббуси билан ўзбек кураши бугун жаҳон миқёсида кенг омаллашиб, доғруги оламга таралмоқда. Миллий спортимизнинг бу ажойиб намунаси нуфузли халқаро турнир ва чемпионатлардан муносиб ўрин олмоқда.**

Асрий анъаналарни ўзида мужассам этган ва инсонпарварлик ғоялари билан йўрилган кураш ўзининг алоқатли тартиб-қоидалари, ноёб усулларининг бетакрорлиги билан кўплаб халқларнинг ҳурмат-эҳтирмига эга бўлиб ўтган. «Халот» «ёнбош», «чала» каби ўзбек сўзларининг турли миллатлар тилида жаранлаётгани барчамизни бағоят қувонтиради. Қолаверса, курашнинг жаҳон миқёсидаги эътирофи нафақат Ўзбекистонимиз, балки Шарқ халқлари учун ҳам фахрли ҳодиса.

Яқинда Осиё ва Африка қитъаларида кураш бўйича бўлиб ўтган навбатдаги чемпионатлар ҳам халқимизнинг азалий спорт санъати умуминсоний қадриятга айланганидан далolat беради. Айниқса, Африканинг иккинчи қитъа чемпионатида аёллар баҳси барчада катта қизиқиш уйғотди. Бу эса жаҳон миқёсида чиққан ўзбек курашнинг имкониятлари янада чексиз эканини англашди.

Шуни айтиш керакки, кейинги уч йил ичида дунёдаги эллик олти мамлакатда кураш федерациялари ташкил топди. Спортнинг бу тури хусусан АҚШ, Англия, Япония, Австралия, Канада, Бразилия ва Хиндистонда кенг омаллашди.

Дунёнинг турли бурчларида бўлиб ўтаётган кураш бўйича анъанавий Осиё, Европа ва жаҳон чемпионатлари спорт оламида янги саҳифалар очганига қўлмай, ноёб истеъод соҳиб бўлган кўплаб полвонларни рўбета чиқармоқда.

Жаҳон чемпионатларида очик чеҳрали полвонларнинг ўзбекча таъзим билан гиламга чиқиб келиши, мутахассисларнинг яқин келажакда кураш Олимпия ўйинлари таркибига киришига ишонч билдириши ҳам кураш спортнинг севимили ва оммабон тури бўлиш билан бирга умуминсоний дўстлик тинимсига айланб бораётганлиги кўрсатади.

Бугунги кунда Осиё, Европа, Америка ва Африка қитъаларида кураш конфедерациялари илчил фидойи-

юритмоқда. Яқинда Кураш халқаро ассоциацияси ижроия кўмитаси халқаро Олимпия ҳаракати тажрибасидан келиб чиққан ҳолда, ўзбек курашини охириши, яқин келажакда унинг Олимпия ўйинлари дастуридан ўрин олишига эришилдику эзу мақсад билан ўзининг олий мукофоти — Кураш халқаро ассоциацияси олтин орденини таъсис этди.

Низомга кўра мазкур юксак мукофот билан ушбу спорт турининг дунё миқёсида омаллашувига алоҳида хизмат кўрсатган давлат арбоблари, кураш фидойилари тақдирланади.

Кураш халқаро ассоциациясининг вице-президенти, Америка қитъаси кураш конфедерацияси президенти жаноб Эдгар Клауренинг тақлифига биноан ассоциация ижроия кўмитаси ўзбек курашини халқаро миқёсида ривожлантиришдаги улкан хизматлари учун бу олий мукофот билан биринчи бўлиб Кураш халқаро ассоциациясининг фахрий президенти Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовни тақдирлаш ҳақида қарор қабул қилди.

Шу муносабат билан Кураш халқаро ассоциацияси ижроия кўмитаси томонидан Президент Ислам Каримов номига йўлланган мактубда, жумладан, шундай дейилади:

«Сизнинг бевосита эътиборингиз ва ёрдамингиз билан ўтган уч йил мобайнида Кураш халқаро ассоциацияси кенг қўламада мустақил халқаро спорт ташкилотига айланди, кураш қисқа вақт ичида хайратланарли даражада омаллашиб, бутун дунёда янги халқаро спорт тури сифатида эътироф этилди».

Давлатимиз раҳбарининг бу юксак мукофот билан тақдирлангани мамлакатимизда спортни омаллаштириш борасида амалга оширилаётган улкан ишларнинг халқаро миқёсида яна бир эътирофидир.

(ЎЗА).

## ЎТТИЗ ОЙГА МЎЛЖАЛАНГАН ЛОЙИҲА

Лойиҳа Урта махсус, касб-хўнар таълими марказининг ЮНИКО Интернейшнл консалтинг фирмаси билан ҳамкорликда жорий йил апрелидан бошлаб ўтди йиғилишда бажарилди. Унда қишлоқ хўжалиги соҳасига йўналтирилган касб-хўнар коллежлари учун замонавий жиҳозлар етказиб бериш, мутахассислар малякасини ошириш ҳамда техник ҳамкорлигини йўлга қўйиш кўзда тутилган.

— Қишлоқ хўжалиги соҳасидаги касб-хўнар коллежларига жиҳозларнинг келтирилиши етти йўналиш — агрономия, ўсимликшунослик, чорвачилик, ветеринария, гидрометеорология, қишлоқ хўжалиги машиналаридан фойдаланиш ва уларга техник хизмат кўрсатиш, маҳсулотни қайта ишлаш соҳалари бўйича амалга оширилди. — деди лойиҳа гуруҳи раҳбари Южи Курокава ўза мухбири.

Шу билан бирга касб-хўнар коллежлари раҳбарлари ва педагоглар Токио шаҳри ҳамда Миязаки префектурасида янги жиҳозларда ишлаш бўйича малака олишди. Сафардан қайтган эса қишлоқ хўжалиги йўналишидаги коллежлар раҳбар ва педагог ходимлари учун малака ошириш машғулотларини ўтказди.

Насозат УСМОНОВА,  
ЎЗА мухбири.

## МИЛЛИЙ ҚАДРИЯТЛАР ВА УМРБОҚИЙЛИК

**Бўстонлик туманида «Миллий қадриятлар ва узок умр сирлари» мавзусида анжуман бўлиб ўтди. Унда уч авлод вакиллари учрашди.**

қоралган, юз билан юзлашиб ундан ҳам узган нурунийлар кўп. Тошкент вилоятида ҳам 250 нафарга яқин шундай отахону онахонлар истиқомат қилади. Тошкент тумани Масалибой қишлоғида умргузаронлик қилаётган Саломат момо Ҳамидова 122 ёшини қаршилади. Узок умр кўришининг

инсон руҳиятига бетакор таъбир кўрсатувчи келин салом каби маросимлар билан таништирилди. Шунингдек, миллий таомлар тортиди. «Гулёр» фольклор этнографик дастаси ҳамда болалар бадийи ҳаваскорлик жамоаларининг чиқишлари, хўнарандчилик буюмлари ҳамда экологик тоза худудда этиштирилган мевасабзавотлар кўргазмаси тадбирга ўзгача файз бағишлади.

Учрушувда республика Бош вазири ўринбосари, Хотин-қизлар кўмитаси раиси Д.Ҳуломова қатнашди.

Н. ДУШАЕВ,  
ЎЗА мухбири.

## Тарғиботнинг долзарб вазифалари

Республика «Маънавият ва маърифат» марказида Файласуфлар миллий жамияти билан ҳамкорликда маънавий-маърифий тарғиботнинг долзарб вазифаларига бағишланган давра суҳбати ўтказилди.

Тадбирда халқимизнинг энг улур, энг азиз байрами — Мустақилликнинг 11 йилдиги шодоналару тобора яқинлашиб келаятгани таъкидланди. Тарихан ана шу қисқа даврда Президентимиз Ислам Каримов раҳбарлигида мамлакатимизда ижтимоий-иқтисодий, маданият-маърифий соҳаларда мислсиз муваффақиятларга эришилди, юртдошларимизнинг тафаккури ва дунёқа-

раши ўзгарди, бутун жамият маънавий янгиланди.

Юртимизда илчил давом этаётган бу жараёнлар, фуқаролик жамияти ва демократик ҳуқуқий давлат қуриш йўлида амалга ошириляётган эркинлаштириш, туб ислохотлар ривож тарғиботчилар олдига янги-янги вазифаларни қўймоқда. Кенг халқ оmmas, айниқса, ёшларнинг мафқуравий имунитетини янада мустаҳкамлашда, миллий истиқлол тоғларини тарғиб ва таъшиқ этишда халқчил, содда ҳамда таъсирчан услуб ва воситаларни янада кенг қўллаш зарурлигига эътибор қаратилди.

Элбек ХОЛИҚОВ,  
ЎЗА мухбири.


## Хабарингиз борми?

Археологларнинг халқаро командаси узок йиллик қазинмалардан сўнг Чад саҳроларида адамсимон мавжудотга мансуб қалла суягини топдилар. Олимларнинг ҳулосасига кўра, топиламаннинг «ёши» етти миллион йил деб баҳоланмоқда.

Ушбу ноёб янгиликни ўтган асрнинг йитирманчи йилларида кашф этилган топилма билан меназаш мумкин.

Олимлар мазкур топилмага Тумай деб ном беришди, зеро, Чадда қуруқ мавсумда тугилган болалар шундай деб аталади. Тумайнинг қалла суяги одамнинг маймундан келиб чиққанлиги ҳақидаги фикрнинг мутлақо рад этади, чунки топиламан мавжудотнинг белгилари маймундан кўра кўпроқ одамзодга хосдир.

## Жаҳоншумул топилма



## Самолёт чиптаси арзонлашди

**Эшитишимча, маҳаллий авиалиниялар чипталарининг нархи туширилибди. Шу гап ростми? Х.Қудратов, Нукус шахри.**

Бу саволга «Ўзбекистон ҳаво йўллари» Миллий авиакомпанияси ҳаво йўллари Бош агентлиги бўлим бошлиғи Махбуба Исоева жавоб беради: — Бу гап рост. Сиз эшитган хабар миш-миш эмас, балки ҳаётий ҳақиқатдир. 2002 йилнинг 12 июлидан бошлаб аҳолига хизмат кўрсатишни яхшилаш, ҳаво транспортида юришга қўлайлик ва имконият яратиш, маҳаллий (ички) авиалиниялардаги самолётлар бандлигини ошириш мақсадларида чипта нархлари 20 фоиз арзонлаштирилди. Шунинг таъкидлавики, ушбу имтиёздан фақат Ўзбекистон резидентлари фойдаланишлари мумкин.

Парламент ислохоти йўлида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ислам Каримовнинг иккинчи чакирқиш Олий Мажлиси сессиясида сузлаган маърузасида республика парламентининг ислохот қилишнинг муҳим тамойиллари белгилаб берилганидан хабарингиз бор. Сессия шу асосда «Референдум янгиликлари ҳамда давлат ҳокимияти ташкил этилишининг асосий принциплари тўғрисида»ги Конституциявий қонунини ва «2002 йил 27 январда ўтказилган Ўзбекистон Республикаси референдумининг янгиликлари бўйича амалга оширилган қонунчилик ишларининг асосий йўналишлари тўғрисида»ги қарорини қабул қилди.

КЕЛАЖАК ОЛДИДАГИ МАСЪУЛЛИК

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 11-моддасига мувофиқ, мамлакатимизда давлат ҳокимияти тизими — қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятига бўлиниши принциплари асосланади. Президент давлат ва ижро ҳокимиятини бошқариш сифатида ўз вазифасига киришаётган вақтда Конституциянинг 92-моддасига биноан қасамёд қилади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 11-моддасига мувофиқ, мамлакатимизда давлат ҳокимияти тизими — қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятига бўлиниши принциплари асосланади. Президент давлат ва ижро ҳокимиятини бошқариш сифатида ўз вазифасига киришаётган вақтда Конституциянинг 92-моддасига биноан қасамёд қилади.

Олий суд ва Олий ҳужалик судини сайлайди. Ўзбекистон Республикаси Парламенти икки палатали этиб ташкил қилинганда, бундай ваколат қайси палата иштироғи билан берилади? Фикримизча, республика Конституциявий, Олий ва Олий ҳужалик судини сайлаш ваколати оқори палата, яъни Сенат иштироғи билан берилса, маънавийлик палатасининг фаолияти асосан қонунлар доирасини тайёрлаш ва уларни қабул қилиш билан боғлиқ бўлади.

Купгина хоржий давлатларда бундай шикоятларни кўриб чиқиш умумий юрисдикция судлари эмас, балки Конституциявий судлар ваколатига киритилган. Ўзбекистон Республикасида ҳам сайловларнинг ҳақиқийлиги ҳақидаги масалаларни кўриб чиқиш сайлов тўғрисидаги янги қонунларда Конституциявий суднинг ваколатига киритилса, аниқ мушоава бўлади, деб ўйлаймиз. Зеро, Конституциянинг 110-моддаси биринчи қисмида таъкидланганда, Ўзбекистон Республикаси Олий суди «...фискал, маъмурий, маъмурий судлов ишларини юрисиш борасида суд ҳокимиятини олий органи ҳисобланади». Сайловларнинг ҳақиқийлиги тўғрисидаги низо эса, моҳиятига кўра, конституциявий ҳарактерга эга ва шунинг учун конституциявий судлов ишлари орқали ҳал қилиниши лозим.

«Пис Виллаж» — болалар ғамхўри

Болалар — бизнинг келажигимиз, энг ишқиндоримизнинг доғочилари. Уларнинг самимий ва беғубор кулгусидан ортиқ катта бойликни тасаввур этиш қийин. Ҳукуматимизнинг, энг аввало, болалар ва оналарга қўриқиб-тамоққўриқлари, уларнинг соғлигини сақлаш ва мустаҳкамлаш борасида ишқин қўзғаб қилинаётган ушқин барчамизни қувонтиради.

Болалар ва оналар саломатлигини тиклаш, уларга ҳар томонлама қўмақ бериш ва энг асосий, соғлом, бақувват авлодни вояга етказиш — жамғарма фаолият дастурининг асосий ташкил этилиши. Шу мақсадда жаҳоннинг 30 дан ортиқ халқаро ташкилотлари билан ҳамкорлик қилинмоқда. АКШнинг «Проктер энд Гембл», Германиянинг «Карл Цейс Йена», «Мерк», «Карл Шторц», «Бристол Майерс Сквайр» фирмаларининг «Солвей Флам», Словакиянинг «Лекс», Франциянинг «Рок Пулен Рорер», «Ин-

нотек Интернационал» компаниялари, АКШнинг «Амери Керс», «Каунтерпарт Интернейшн» ташкилотлари — жамғарманинг энг яқин ҳамкорларидан. Жамғарманинг ташкил этилишига тўққиз йилдан ортиқ вақт ўтди — дейди бошқарув раиси Ойиша Муусоримова. — Айни кундаги муҳим вазифаларимиздан бири республикамизда бемор болаларга ўз вақтида ташхис қилиш ва уларни даволаш учун қўмақлаштириш. Шу мақсадда Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва Германиянинг «Пис Виллаж Интернейшн» халқаро тўғри ташкилот билан ҳамкорлик қилишга келишган. Кунги кеча шу ташкилот билан узоқ йилларга мўлжалланган уч томонлама ҳамкорлик шартномаси имзоланди. Шартномани имзолаш учун ташкилот раҳбари Рональд Гегенфуртнер ва унинг ёрдамчиси Б.Хельмут конинг Тошкентга ташриф бурдилар. Унга асосан республикамиздаги 20 дан ортиқ (1-босқичда) бемор болалар Германиянинг Оберхаузен ва Дюссельдорф шаҳарларида даволашни келиш имкониятига эга бўладилар.

ХАБАРЛАР ОҚИМИДАН

Шўри туманида «Олоҳиёр Охун» экспериментал фермер ҳўжалиги маъмури. У 53 гектар суғорилган ерда дехқончилик қилади: 20 гектарига пахта экилади, қолганга 28 гектар ер ажратилган. 5 гектар майдонда — стевия помиди ўсимлик.

Фермер хориж бозорига чиққди

Мутахассисларнинг фикрича, стевиядан қандай қадар кўпроқ ширко берилади дора ишлаб чиқарилади. Поёни дамлаб истеъмол қилиш қон айланиши ҳамда модда алмашувини яхшилайди. Хўллас, стевияга жаҳон бозорига эҳтиёж катта.

О. УСАНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Аўстлар эътирофи

Тожикистон Республикасининг Ашт ва Наманганнинг Поп тумани азалдан дўст-биродар. Ери-ерига, дили-дилига тутаниб кетган. Шу бонс, ашқларнинг ҳам байрами айланади. Туман раҳбари И. Раҳимов бошчилигидаги гурӯҳи Полни айланиб, амалга оширилган ўзгаришларни мамнуният билан эътироф эттиди. Чувончи шаҳар кўрғига кўрк бағишлаган сўлим хўбонлар, жаҳон фаворлар мехмонларнинг эътиборин тортди. 50-иктидорли боллар интернетда яратилган широк, «Поффен» ўзбек-турк қўшма корхонасида ишлаб чиқарилаётган, жаҳон айдозларига мос махсулотлар уларга катта қизиқини уйғотди.

Қ. НАЖМИДИНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.



Дала-пункт-корхона

Ардоқ

Андижон шаҳридаги «Ўзгариш» маҳалласи тобора ободонлашмоқда. Бу ерда чойхона, турли маънавий ташаббуслар, савдо дўконлари, ноҳийоналар қаторида «Оталар уйи» ҳам қад ростлади. Энг муҳими, бинони маҳалла фуқаролари ўз сармоялари ҳисобига ҳашир йўли билан тикландилар.

Оталар уйи

О. ШОДНОАЛИЕВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Ғалла ўрми-йиғида ишни ишор таъриба асосида ташкил этган Самарқанддаги «Осиё-Афросиё» акциядорлик жамиятига қарашли Пайриқў дон қабул қилиш пункти жамоаси яхши натижаларга эришмоқда. Улар ҳозиргача 15 миң тонна ўрмига қарий 16 миң тонна дон жамғардилар. Айни кунларда ишқират ва фермер ҳўжалиқларидан келиширидан ҳосил шу ерда қабул қилиниб, тозаланган ҳолда қайта ишлаш корхонасига етказиб беришмоқда.

Бахтиёр МИРЗОЕВ, юридик фанлари номзоди, доцент.

СУРАТДА: электр устаси Бахтиёр Салимов ва пункт мудири Темур Азимов агрегатларнинг соғлигини қўздан кечириняпти.

Нуктаи назар

Лойиҳа қайта тиклангани зарур

Мен бу мақолани Сибирь дарёлари сувининг бир қисмини Марказий Осиёга оқизиш билан боғлиқ лойиҳани тайёрлашда бевосита қатнашган киши сифатида ёзаяпман. Бундай лойиҳанинг гоёси аслида 1868 йилдаёқ илгари сурилган, унинг амалдаги техник ишлаб чиқилиши эса орадан 100 йил ўтиб — ўтган асрнинг 60-йилларида бошланган, ниҳоят 1986 йилда бу лойиҳанинг ижросига деярли киришилган бир пайтда, у мутлақо асосиз ва таассуфланарли бир равишда тўхтаб қўйилди.

Мазкур лойиҳада ҳамма ёғин сув боғиб ётган Сибирдан оғина, яъни аннроқ айтсак, бу ҳудуддаги Обь дарёсини кичик бир қисм сувини олиш кўзда тутилган эди, ҳоло. Лойиҳага биноан, Хантй-Мансийск шаҳри ёнида Обь дарёсига Иртыш дарёси сувининг қўйилиши жойида иш бошланиши лозим эди. Бор-йўги 27 куб км ёни бошқача айтганда, Обь дарёси сувининг атиги 7 фозини олиш режалаштирилган эди. Маълумки, бу сув барийр Шимолий муз океанига бориб қўйилади. Сибирь сувларининг умумий ҳажмининг ҳисобга олинганда, дарёнинг куйи оқимидан олинган бу озгина сув ниҳоятда сезилар-сезилмас даражада бўлиб, у Сибирнинг ҳўжалик-иқтисодий ҳаётига ҳам, экологик ҳолатига ҳам, турфа таъсир қўраётган эди. Бунинг устига, Хантй-Мансийскдан кейин бирон-бир ҳам сув йиғувчи ҳавза йўқлиги сабабли бу сув тўппа-тўғри океанга оқиб бориб тўшади. Аксинча, лойиҳа амалга ошса, Сибирь экологияси бундан катта фойда кўради, ҳоло. Чунки Обь дарёси оқимининг бу етти фозиллик суви дарё бўйидаги қанчадан-қанча ерларни боққоққа айлан-тириб ёттириб.

Шу билан бирга, Обь дарёсининг тоза ичимлик суви Марказий Осиёгаги чароқ, бунинг устига, урта ва куйи оқимни кучли тузданган ички дарё Амударё ва Сирдарёга маъмури бўлар, уларни қувватлантиради. Шундай қилинса, сув захираларининг етишмаслиги оқибатида Орол денгизи куйиб бораётган, атроф муҳит кучли экологик тангликка учраётган Марказий Осиёгаги вазиетни бироз юмшатишнинг иложи топилган бўлади.

Хўллас, бутун биз, маня қандай манзари кўзатаями? Обдан, Иртышдан, умуман, Сибирь дарёларигаги бехисоб сувдан тошқинлар ҳосил бўлиб, уларнинг атрофидоги ерлар, қишлоқ ва шаҳарларга сел келияпти, Марказий Осиёга эса Орол денгизи фожаси руй берапти, бу фожанинг сабаби — сув ресурсларининг қаҳатчилигидир. Маня, деярли 20 йилдан ошдики, Марказий Осиёда сув етишмаслиги оқибатида суғориладиган ерлар ҳажмида ушш йўқ, аслида эса, бу ҳудудда аҳоли сонининг тўққуз эсис бориши озуқа таъминоти манбаларини ҳам ривожлантиришни тақозо этмоқда. Айни пайтда дунёнинг бошқа мамлакатларида суғориладиган майдонларнинг кенгайтириш жалал суғуртада борапти.

деграцияси ва Ўзбекистон олимлари ҳамда мутахассислари, табиатни муҳофаза қилиш билан боғлиқ вазирликлар ва идоралар ходимлари, нодавлат ташкилотлар, дипломатик корпус, диний жамиятлар, бир қатор халқаро ташкилотлар ва оммавий ахборот воситалари вакиллари билан эътироф тарзида ўтти.

ВАНТОНОВ, муҳандис-ирригатор.

Ўзбекистон ва жаҳон

Мустақилликка эришганимиздан кейин дунё ахли ўртасида халқимиз тарихи, миллий урф-одатлари, маданияти ва санъатига қизиқиш кучайди.

Шулардан бири ҳиндистонлик таниқли адабиётшунос олим, шoir, таржимон ва дипломат, профессор Қамар Раисдир.

Эзгулик кўприги

К. Раис Ўзбекистонга бундан қирқ йил муқаддам биринчи марта келган эди. Унинг-Усан шахри — Шоҳ-жаҳондур университетидида ўқиб юрган кезларида юртимиз ҳақида кўп ўқигани ва эшитганини эътироф этади.

Бу бир нури, одамизод қалбнинг акси, Бу бир нури, шодликларнинг диарабо рақси. Ростин айтсам, мусофирман бу шиоқ эда, Аммо ҳеч вақт ёлғизликни ҳис этмам дийдо.

кат ўртасидаги дўстлик алоқаларини янада мустаҳкамлаш йўлида самарали хизмат қилмоқда. Унинг ўзбек халқи ҳаёти, маданияти ва адабиётига бағишланган ҳамда Деҳлида босилди чикқан «Ўзбекистон китоби» ҳам ўз моҳият-эътибори билан катта аҳамиятга моликдир.



даги иқтисодий, маданий, савдо алоқалари қадимдан давом этиб келган. 1997 йилда К. Раис Ўзбекистонга яна таъриф буюради. Ҳиндистоннинг Тошкентдаги Маданият маркази раҳбари лавозимига тайинланган эди. Марказни ўзбекистонликларнинг сеvimли масканига айлантириш учун бутун билими, тажрибаси, куч-қайратини ишга солди.

Таъкиллаш жоизки, К. Раис 1998 йилда Тошкент давлат шарқшунослик институтининг мақсадида ҳамда, Жаҳид Олимжон, Ойбек, Гафур Гулом, Миртемир, Шайхзода, Зулфия, Хамид Гулом, Рамз Бобожон, Эркин Воҳидов, Абдулло Орипов, Ойдин Ҳожиева шeryларидан саралаб, икки жиллик «Ўзбекистон шoirлари» китобини чоп эттирди.

1994 йили Ҳиндистонда муаллифнинг «Алишер Навоий ва Ўзбекистон» китоби босилди чикди. Унда забардаст ўзбек шoirининг саксондан зиёд ғазаллари ўрин олган. Ўзбекистон мустақилликка эришганидан кейин профессор К. Раис ҳинд-ўзбек дўстлик жамиятини тузиш таъаббускор бўлди. 1994 йилда мазкур дўстлик жамиятининг Бош котиби этиб сайланди. Жамият икки мамла-



Эр юзида

Эртага — француз халқининг Миллий байрами куни

Ҳақ йўл саодати

зири этиб тайинлаш имкони берди. Шу тариқа мамлакатнинг собиқ кичик ва ўрта бизнес вазири, сенатор Жон-Пьер Раффарен Франция Бош вазири порфелини қўлга киритди.

эга экани аён бўлади. Унинг мамлакатлар ўртасида ўзаро ҳамкорликни ривожлантириш, айрим минтақа давлатларида, хусусан, Яқин Шарқда содир бўлаётган нотинчликларни бартараф қилиш борасидаги

ки Шарқ билан Фарб дунёсини янада яқинлаштиришга хизмат қилди. Утган давр ичида мамлакатимиз Президенти Ислам Каримовнинг Францияга, Франция раҳбарларининг эса юртимизга қилган расмий таърифлари давомида ўзаро алоқаларга ҳуқуқий асос солинди.



Ширак томонидан мамлакат раънақи ва Франция халқи келажаги йўлида амалга оширилатган эзгу ишларнинг эътирофи бўлди, десак хато бўлмайдим.

Бугун ана шу азалий ва абадий ҳамкорликнинг дастлабки чинакам натижасини куриб турибмиз. Шу ўринда бир далил: ўтган йил мамлакатларимиз ўртасидаги ўзаро товар айирбошлаш ҳажми 182 миллион еврога ташкил этган бўлса, бу йил мазкур кўрсаткич янада ошиши кўзда тутилмоқда.

Ҳа, бугун ҳисоб-китобли европалликлар ҳам бизнинг муваффақиятларимиз қудратли тахриротида таяниш борасидаги ҳақиқатни англаб етишмоқда. Бу ҳақиқатни биз французлар каби ўзимиз — каттаю-кичик қарор топтираётганимиз эса янада қувонарлиқдир.

Фурқат САНАЕВ, «Жалқ сўзи» мухбири.

Вазир ўз лавозимига қолди

Туркия иқтисодий вазир Кемал Дарвиш ўз лавозимига фаолиятини давом эттиришга қарор қилди.



Қуролли тўқнашув

Ҳиндистон ҳарбийлари Жамму ва Кашмирда экстремистларга қарши олиб борилган қуролли тўқнашуларда уларнинг 7 нафари отиб ўлдирилганлигини маълум қилди.

Яна 9 асир

Италия полицияси «Ал-қоида» экстремистик ташкилотини моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, ташкилот аъзоларини қалбаки ҳужжатлар билан таъминлашда гумон қилган 9 кишини асирга олган.

Милан полицияси вакили келтирган маълумотларга қўра, улар Шимолий Африка давлатлари фуқаролари бўлиши мумкин.

Ҳожа қарши

Словения парламенти мамлакатда коммунистик тизим ва коммунистик гоғларини тарғиб қилишга қарши қаратилган бир неча қонуларни қабул қилди.

Жумладан, мамлакатда шу йил 1 сентябрдан кучга кирадиган янги кодексга биноан бундан буюн коммунистик гоғларини тарғиб қилиш ёки коммунистик режим жиноятларини оқлашга интилувчилар жиноий жаъобгарликка тортилади.

Ўйравонлар қўлга олинди

Тошкент вилоятининг Оҳангарон туманида яшовчи М.Алиқул автомобилда меҳр қўйганлардан. У машинасини эҳтиётлаб, вақти-вақтида техник ҳолатларини ҳам қўздан кечириб қўяди.

САВОЛ БИЗДАН...

Кечаси сонда берилган саволинг жаъоби: Эркин Қутибоев. Бу ҳақда тошкентлик Ихтиёр Турабоев ҳамда Акмал Бурҳонов хабар беришди.

2002/2003 ўқув йилида Ўзбекистон Республикаси Олий таълим муассасаларининг махсус сиртқи бўлимларида бакалаврлар тайёрлаш бўйича қабул квоталари

Table with columns for 'Шифр', 'Олий таълим муассасалари ва таълим йўналишлари', '2002/2003 ўқув йили қабул курсаткичлари' (ЖАМИ, шу жумладан: грант, контракт), '2002/2003 ўқув йили қабул курсаткичлари' (ЖАМИ, шу жумладан: грант, контракт). Rows include various universities and departments like 'Ўзбекистон миллий университети', 'Тошкент давлат педагогика университети', etc.

Янги «Audi» чиқарила бошланди

«Audi» компанияси «Audi A2 TDI Sport» маркали янги автомобиль яратди. У 75 от кучига эга бўлиб, тақомиллаштирилган салонга эга.



Мирзо Анвар КАРИМОВ. СУРАТДА: Қамар Раис дўстлар даврасида.

# Хар юрак зарбида янграб хур нидо

## Илтижо

Хуррият шиддати гулар долгали  
Тошқин хайқирқлар чўшмиш кўска!  
Истиқом гулбар қалба ёнади  
Худойим, мангулик, шон бер ўзбекка.

Кўлоачи рух, ота-бобом зафори  
Бу юрда яшайди боқий бир нуерат  
Ўзбек миллати бу — одам сарвари,  
Худойим, сен унга қилгин муруват!

Ўзригинда ўза иўли йўқ борар,  
Сендан ўзга ҳам топишмас асо.  
У бутун жон-жаҳди билан ёлборар,  
Бизни энг юксак эл, Тангри тово!

Дуолару жони фидолар ҳаққи,  
Келиб кетмас давлат айлагин писор.  
У сени жондан севгучи халқси  
Энг аввал ўзбеки: сев, Парвардигор!

Қадимий миллатимиз миллион-милён  
Хар юрак зарбида янграб хур нидо,  
Бизлар шу бахт учун тикажакимиз жон  
Энг буюк мулаффар ҳаёт бер, худо!



Муҳаммад ИСМОИЛ



Мен сениг олдидан кичкина одам,  
Билмап, мен сенига сира ёқмадим.  
Сенига ети олмас, чопса бахтим ҳам.  
Сени қаратолмас, кўлса омадим.

Еки изҳор қилсам муҳаббатимни,  
Энг катта қудратим қўлайди абор.  
Сенига кўз тиктирсан эзу дароимни  
Ласча олмаслигинг бўлади ошкор.

Лекин ҳали ҳаёт этмоқда давом,  
Бир кун мен сенига етмоқчимиз шарт.  
Сен учун ўнглайман ўзимни таном,  
Сен учун бўламан ўн баробар мард.

Хар кун миз бор бўғар чорасизлигим,  
Хар кун миста чора ўйлаб топаман.  
Сен кетар бўларини, қоракўзлим,  
Хар кун мистасини миз бор ёнаман.

Сени севамоқликниг ўн катта бахт,  
Сени улуғлашдан толмайди юрак.  
Сени етмоқ-қасим бўлаб қўлса наф,  
Эртак бошларан ва мен ўскам керак.

## Марғилон дўпписи — кўргазмага

Марғилон шаҳрида ота-боболаримизнинг авлодлардан-авлодларга ўтиб келатган халқ амалий санъатини ривожлантиришга жиддий эътибор қаратишмоқда. Бу хайрли ишни республика

«Хунарманда» бирлашмасининг Марғилон минтақавий бўлими ўз энимасига олган. Хозир минтақавий бўлим ўз сафинга мингдан зиёд хунарманларни бирлаштирган. Уларнинг савий-ҳаракат-

лари туфайли 30 га яқин унутилаётган амалий санъат намуналарига қайтадан ҳаёт бағишланди. Айниқса, қандалорлар, дўппидўзалар, ганжкорларнинг маҳоратига тақсир айтмай иложингиз йўқ.

Халқ хунарманлари ижодининг энг яхши намуналари мустақилликнинг 11 йиллиги муносабати билан пойтахтимизда ташкил этилган кўргазмага намоиш қилишга тавсия этилади.

Набижон СОБИР,  
«Халқ сўзи» мухбири.

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРЛИГИ

# ТОШКЕНТ ФАРМАЦЕВТИКА ИНСТИТУТИ

2002/2003 ўқув йили учун давлат грантлари ва тўлов-контракт асосида бакалаврият ва магистратура таълими йўналишлари бўйича қабул эълон қилади.

### Бакалаврият йўналиши бўйича

Шифр	Таълим йўналишлари	Жа-ми	Давлат грантлари асосида				Тўлов-контракт асосида			
			Жа-ми	Шу жумладан Кундузги		Жа-ми	Шу жумладан Кундузги			
				Ўзбек	Рус		Ўзбек	Рус		
45	Институт бўйича Фармация	215	85	75	10	130	113	17		
5720500	Биотехнология, шу жумладан, саноат фармацияси	140	57	47	10	83	66	17		
5522900	Агрономия	35	15	15	-	20	20	-		
5620200	Касб таълими	11	5	5	-	6	6	-		
5140900		25	9	9	-	16	16	-		
		15	4	4	-	11	11	-		



### Ўқишга кириш истагида бўлган фуқаролар куйидаги ҳужжатларни топширишлари лозим:

- ректор номига ариза;
- урта маълумоти ҳақидаги ҳужжатнинг асл нусхаси;
- 3x4 см. ўлчамдаги 6 дена фотосурат;
- 086/У шаклдаги тиббий маълумотнома.

Ўзбекистон Республикаси фуқаролиги ҳақидаги паспорт ва ҳарбий хизматга алоқадорлиги тўғрисидаги ҳужжат шахсан кўрсатилади.

Тест синовлари ўтказиладиган фанлар бўйича консултациялар 2002 йил 25 июндан 25 июлгача ўтказилади. Ўқишга кирувчилар учун тест синовлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридagi Давлат тест маркази томонидан 2002 йил 1 август кунги ўтказилади.

### Абитуриентлар йўналишлар бўйича куйидаги фанлардан тест синовлари топширадилар:

- фармация — кимё, биология, она тили ва адабиёт;
- касбий таълим — биология, кимё, она тили ва адабиёт;
- агрономия — биология, кимё, она тили ва адабиёт;
- биотехнология — кимё, математика, она тили ва адабиёт.

Институтга танлов ва абитуриентларни талабалikka қабул қилиш Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларига қабул қилиш бўйича давлат комиссияси томонидан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасаларининг бакалавриятга қабул қилиш тартиб-қоидалари ҳақидаги низоми» асосида амалга оширилади.

### Магистратура йўналишлари бўйича кундузги бўлимга:

Шифр	Мутахассисликлар	Жа-ми	Тўлов-контракт асосида		
			Жа-ми	Шу жумладан	
			Ўзбек	Рус	
39	Институт бўйича Доривор ўсимликлар биотехнологияси	6	6	6	-
5A522901	Иммунологик ва микробиологик препаратлар технологияси	3	3	3	-
5A522902		3	3	3	-

Ўқишга кириш истагидаги бакалавр даражасига эга бўлганлар ва дипломли мутахассислар олий таълим муассасасининг қабул комиссиясига куйидаги ҳужжатларни тақдим этидилар:

- магистратура мутахассислиги кўрсатилган қўлдан олинган таълим муассасаси ректорининг номига ариза;
- олий маълумот ҳақидаги ҳужжатнинг асл нусхаси;
- 3x4 см. ўлчамдаги 6 дена фотосурат;
- 086/У шаклдаги тиббий маълумотнома.

Ўзбекистон Республикаси фуқаролиги ҳақидаги паспорт ва ҳарбий хизматга алоқадорлиги тўғрисидаги ҳужжат шахсан кўрсатилади.

Тест синовлари ўтказиладиган фанлар бўйича консултациялар 2002 йил 10 июндан 30 июлгача ўтказилади. Ўқишга кирувчилар учун кириш синовлари 2002 йил 3-10 август кунлари ўтказилади.

### Ўқишга кирувчилар куйидаги фанлардан ёзма равишда кириш синовлари (махсус тест синовлари) топширадилар:

- магистратура мутахассислигига мувофиқ келувчи фанлар бўйича;
- демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти асослари бўйича;
- чет тили бўйича.

Магистратура мутахассислиги бўйича ўқишга қабул қилиш Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларига қабул қилиш бўйича давлат комиссияси томонидан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасаларининг магистратурасига қабул қилиш тартиб-қоидалари ҳақидаги низоми» асосида амалга оширилади.

Тошкент фармацевтика институтининг манзили: Тошкент шаҳри, Ойбек кўчаси, 45-уй, метронинг «Ойбек» бекати. Мурожаат учун телефонлар: 56-39-31, 56-37-38.

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

# МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

2002/2003 ўқув йили учун бакалаврият ва магистратурага қабул эълон қилади.

**Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети нафақат республикамиз, балки Марказий Осиёда етуқ, малакали мутахассисларни тайёрлаш бўйича йирик олий илмий-ўқув масканидир.**



Ҳозирги кунда университетда мавжуд 15 факультетнинг кундузги бўлимида қуйидаги 27та:

санъатшунослик; миллий истиқлол ғояси; ҳуқуқ ва маънавият асослари; филология (тиллар бўйича); ўзбек тили, инглиз тили, немис тили, француз тили, рус тили; тарих (мамлакатлар ва минтақалар бўйича); фалсафа; сиёсатшунослик; психология; социология; журналистика; иқтисодиёт (тармоқлар бўйича); менежмент (соҳалар бўйича); бизнес; юриспруденция; биология; физика; механика; астрономия; кимё; география; гидрометеорология; геология; математика; амалий математика ва информатика; информатика ва ахборот технологиялари; геодезия, картография ва кадастр; агрокимё ва агротупроқшунослик; экология ва табиатдан фойдаланиш йўналишлари бўйича бакалавр кадрлар тайёрланади.

### Университетнинг сиртки бўлимида эса:

ўзбек тили; рус тили; тарих (мамлакатлар ва минтақалар бўйича); журналистика; иқтисодиёт (тармоқлар бўйича); менежмент (соҳалар бўйича); бизнес; юриспруденция; география; гидрометеорология; агрокимё ва агротупроқшунослик йўналишлари бўйича бакалавр кадрлар тайёрланади.

### Уч йиллик амалий педагогик стажга эга бўлган педагогик кадрлар давлат грантлари ва тўлов-контрактлари асосида махсус сиртки бўлим бўйича:

касб таълими (ҳуқуқшунос-педагог); география; информатика ва ахборот технологияси бўлимларига қабул қилинади.

### Университетга қуйидаги 96та:

адабиётшунослик; ўзбек адабиёти, рус адабиёти; лингвистика; ўзбек тили, инглиз тили, немис тили, француз тили, рус тили; таржима назарияси ва амалиёти; адабий манбашунослик ва матншунослик; ватан тарихи; умумий тарих; тарихшунослик, манбашунослик ва тарихий тадқиқотлар методлари; археология; этнография; фалсафа тарихи; эстетика; ижтимоий фалсафа; замонавий ғарб фалсафаси ва тарихи; фан фалсафаси ва методологияси; халқаро муносабатлар назарияси ва тарихи; сиёсий фанлар назарияси ва тарихи; амалий сиёсатшунослик; умумий психология, психология тарихи; социология назарияси, методологияси ва тарихи; халқаро журналистика; телевидение ва радио эшиттириш; иқтисодий назария; минтақавий иқтисодиёт; менежмент (соҳалар бўйича); касб-ҳунар фанларини ўқитиш методикаси (ҳуқуқшунос-педагог); ўсимликлар физиологияси; одам ва ҳайвонлар физиологияси; генетика; биофизика; биокимё; иктиология; касб-ҳунар фанларини ўқитиш методикаси (биология); назарий физика; ярим ўтказгичлар ва диэлектриклар физикаси; оптика, магнитооптика ва молекуляр оптика; лазер физикаси; атом ядроси ва элементар заррачалар физикаси; радиофизика; ядровий технологиялар; полимерлар физикаси; гелиофизика ва қуёш энергиясидан фойдаланиш; қуёш тизими физикаси ва гелиофизика; физика фанини ўқитиш методикаси; назарий механика; деформацияланувчи қаттиқ жисм механикаси; аналитик кимё; органик кимё; юқори молекуляр бирикмалар кимёси; биоорганик кимё; табиий ва физиологик фаол бирикмалар кимёси; нефть ва табиий газ кимёси; иқтисодий ва ижтимоий география; метеорология; агрометеорология; гидрокимё; геофизика; геокимё; гидрогеология; геология; математик таҳлил; дифференциал тенгламалар; геометрия ва топология; эҳтимолий назарияси ва математик статистика; математик мантиқ, алгебра ва сонлар назарияси; ҳисоблаш математикаси; амалий математика ва ахборот технологиялари; математик физика; композицион ва кукунли материаллар, қопламалар; физик электроника; амалий геодезия; картография; тупроқшунослик; агрокимё; физика ва мелиорация; экология; биоэкология; халқаро иқтисодий муносабатлар; зоология; ботаника; микробиология; биотехнология; гидробиология; энтомология; паразитология; гельминтология; суоқлик, газ ва плазма механикаси; астрофизика, радиоастрономия; ноорганик кимё; физик кимё; коллоид ва мембрана кимёси; геодемография; куруқлик гидрологияси, сув ресурслари, гидрокимё; қўл ва сув ҳавзалари гидрологияси; сув ресурслари муҳофазаси ва улардан самарали фойдаланиш; эксперт минералогияси; суғориладиган ҳудудлар гидрологияси ва сув ҳўжалиги иқтисодиёти; гляциология ва қор қатламлари мониторинги ихтисосликлари бўйича магистрлар қабул қилинади.

### Университетда вилоятлардан келган абитуриентлар учун барча қулай шароитлар яратилган.

Улар ётоқхона билан тўлиқ таъминланадилар. Абитуриентлар учун тест синовларига кирган фанлар бўйича университетнинг малакали профессор-ўқитувчилари томонидан консултациялар олиб борилади. Замонавий ўқув хоналари, кутубхона, университет тарихи ва ҳаётини акс эттирувчи музей, спорт заллари, поликлиника ва профилакторий талабалар хизматида.

**Азиз йигит-қизлар, Миллий университет талабаси бўлишингизга тилакдошимиз! Омад сизларга ёр бўлсин!**

**Бизнинг манзил:** 700174, Тошкент шаҳри, Талабалар шаҳарчаси, Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети.  
**Телефонлар:** 46-02-35, 118-85-57, 46-08-69.  
**Метронинг:** «Беруний» бекати, 10, 28, 34, 87, 88, 116-автобуслар, 3, 4, 8, 20-троллейбуслар.

«Умид» жамғармаси жамоси жамғарма ходими Анвар Абдуллаева отаси Қосимдди АБДУЛЛАЕВнинг вафот этганиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

«Юлдуз» ҳиссдорлик жамияти жамоси жамиятнинг собиқ ходими, республика давлат солиқ қўмитасининг етакчи мутахассиси Хадича Худойкуловага акаси Анвар САБИРОВнинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.



МУАССИСЛАР:  
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир: Аббосхон УСМОНОВ  
Таҳрир хайъати: Э. Болшев (масъул котиб — «Халқ сўзи»), М. Егоров (масъул котиб — «Народное слово»), Ш. Жабборов (бош муҳаррир ўринбосари — «Халқ сўзи»), Ш. Ризаев, С. Зинин, М. Миралимов, С. Муҳиддинов, М. Сафаров, Р. Фарҳодий, И.Худоберова, И. Шогўломов, О. Қўлибергенов (бош муҳаррир ўринбосари — «Народное слово»), Ҳ. Ҳошимов.

ТЕЛЕФОНЛАР:  
Газетхоналар билан алоқа ва минтақалар бўлими 136-29-89;  
Котибият 133-10-28; Эълонлар 136-09-25.

Рўйхатдан ўтти тартиби № 00001  
Буюртми I — 677, 28078 нусхада босилган,  
ҳажми — 2 табоқ. Ғофет усулида босилган.  
Қоғоз ёнғини А-2.  
Газета ИВМ компьютеризация терлиги ва операторлар  
Жамият ТОВАЕВ ва Зокир БОЛТАЕВ  
томонидан саҳифаланди.  
Таҳририятда ҳажми 5 қоғоздан зиёд  
материаллар қабул қилинмайди.  
Тижорат материалли

● МАНЗИЛИМИЗ:  
700000, ГСП,  
Тошкент шаҳри,  
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.  
Навбатчи котиб — А. Орипов,  
Навбатчи муҳаррир — Н. Тошев,  
Навбатчи — Ҳ. Қаримов,  
Мусаҳҳих — Ш. Маширбоев.

«Шарк» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. Босишга топшириш вақти — 21.00 Топширилди — 21.30 1 2 3 4 5 6